O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 5 август ЧОРШАНБА

№ 62 (12.178)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

*Август – пахта ҳосилига ҳосил қўшадиган ой*

## ҲАР ТУП ҒЎЗА – ЭЪТИБОРДА

**Ғўза гуллари бўлиқ-бўлиқ кўсак боғлайдиган паллалар келди. Пахтакор меҳнатининг қадри кунлар билан эмас, соатлар билан ўлчанадиган пайт ҳозир. Негаки, бирор фурсат сувдан толиққан, эгати қотиб қолган, ҳашаротлар болалаган пайкалларда ғўза бор гул, шона ва кўсакларини ҳам тўкиб юборади. Шу боис пахтакор кеча-кундуз дилгир, огоҳ.**

Ана, Янгийўл туманидаги "Дилмурод – Акмал – Нодир" фермер хўжалигининг раҳбари Фарҳод Тожибоев ҳам дала айланиб юрибди. Бир пайкалда дуркун ўсиб, ҳозирдаёқ 4-5 донадан бўлиқ кўсак туккан ғўза қаторларини кўриб, кўнгли кўтарилади.

– Бироқ, ғўзаларимиз бир текис эмаслиги ташвишлантирмоқда, – дейди фермер қўшни пайкалга ўтганимизда. – Кўкламги қийинчиликлар ҳамон ўз асоратини кўрсатиб турибди. Мана бу ғўзаси нимжон пайкалга кечгача қўшимча озуқа бериб, туни билан суғориб чиқсак, экин куч олади, ҳам ривожга, ҳам гулга қувват беради.

Нариги пайкалда эса, Раҳматилла, Саидаҳмад акалар оилалари билан ғўзани табақалаб чилпишни бошлаб юборишибди. Мақсад ҳосил салмоғини кўтариш, сифатини ошириш экан, ҳар туп ғўзага алоҳида эътибор зарур, дейди фермер.

"Дилмурод – Акмал – Нодир" фермер хўжалиги 41 гектар майдондаги ғаллани барвақт ўриб-янчиб олди. Тошлоқ ерларда ҳосилдорлик 42 центнерданга тўғри келди. Энди деҳқонлар ғўза парваришига зўр беришаяпти. Асли касби агроном-энтимолог бўлган фермер Фарҳод Тожибоев бу йил гектар бошидан 30 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқда.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**



**СУРАТДА:** фермер Фарҳод Тожибоев.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини ижро этиш ҳамда қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг тураржой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида:

1. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуришнинг тажриба лойиҳаларини амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган 42 та ер массиви танлаб олинди;

2009-2010 йилларда 260,5 млрд.сўм, шу жумладан, 2009 йилда – 65,5 млрд. сўм миқдорида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредитлаш манбалари аниқлаб олинди.

2. "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБнинг намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишида якка тартибда иморат қурувчиларга кўмак бериш учун республиканинг ҳар бир минтақасида ўз филиалига эга "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ва бунинг асосида қуриш массивларини, барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

қишлоқ аҳоли пунктларида якка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаларини "тайёр ҳолда топшириш" шартларида буюртмачи функцияларини шартнома асосида бажариш, жумладан, молиялашни ташкил этиш ва қурилишнинг бориши устидан техник назорат ўрнатиш;

аҳоли буюртманомаларига мувофиқ уй-жойлар, шунингдек, намунавий лойиҳалар бўйича "тайёр ҳолда топшириш" шартларида ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ва муҳандислик инфратузилмаси объектларини қуриш буюртмаларини объектларни сифатли қуришни таъминлаб бера оладиган амалдаги ва янгитдан ташкил этилаётган пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида жойлаштириш;

кейинчалик "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ томонидан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисоб-китоб қилинган ҳолда намунавий лойиҳалар бўйича қурилган якка тартибдаги уйларни аҳолига бериш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаси, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший аҳамиятдаги объектларни эксплуатация ташкилотларига топшириш.

3. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

"Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда уй-жой бозорини маркетинг жиҳатдан ўрганиш ҳамда аҳолининг буюртманомалари асосида ҳар йили 1 октябргача минтақалар доирасида қуриладиган уй-жойлар ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар ҳажми, таркиби ва тузилмаси бўйича таклифлар тайёрлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан маркетинг жиҳатдан ўрганиш натижалари асосида 1 ноябргача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ва "Даврахитектқурилиш" қўмитаси билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер массивлари танлаб олинади ҳамда кейинчалик улар намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой ва ижтимоий аҳамиятдаги объектлар қуриш учун "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясига топширилади;

аниқ ер участкаси ва намунавий лойиҳани танлаган якка тартибда иморат қурувчи "тайёр ҳолда топшириш" шарти билан тураржой биносини қуришда буюртмачи вазифасини бажариши учун "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан шартнома тузади;

якка тартибда иморат қурувчи билан тузилган шартнома асосида "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси буюртмачи сифатида "тайёр ҳолда топшириш" шарти билан намунавий лойиҳа бўйича якка тартибдаги тураржой биноси қурилиши юзасидан барча ишлар комплексини ташкил этади;

қурилиш якунлангандан кейин ва якка тартибда иморат қурувчи томонидан далолатнома бўйича тураржой биноси қабул қилингандан сўнг якка тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиш туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан кимошди савдоси ўтказилмасдан умрбод мерос қилиб қолдириладиган мулк тарзида расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Б. А. Хўжаев) "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ, "Даврахитектқурилиш" қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибдаги уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. "Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ:

Ўзбекистон Республикаси "Даврахитектқурилиш" қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда "Қишлоқ қурилиш инвест" компаниясининг зарур моддий-техника базаси яратилишини назарда тутган ҳолда унинг устав капиталини шакллантирсин, шунингдек, компаниянинг малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин;

зарур ҳолларда, банк устав жамғармаси маблағларини гаров тариқасида қайтариш асосида ажратиб берилишини назарда тутган ҳолда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компаниясини ушбу жамғарма маблағи ҳисобидан айланма маблағлар билан таъминласин.

5. Белгилансинки:

якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари қурилиши инвесторлар маблағлари ва тижорат банклари кредитлари ҳисобидан амалга оширилади;

ижтимоий инфратузилма объектлари ва ташқи муҳандислик тармоқлари қурилиши маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

ихтисослаштирилган "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ва унинг минтақавий филиалларига зарур инфратузилмани ташкил этиш учун шартнома асосида ер участкаларини ажратиш тарзида ёрдам кўрсатсин;

Ўзбекистон Республикаси "Даврахитектқурилиш" қўмитаси ва "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуришга тасдиқланган бош режа асосида ҳар йили қишлоқ хўжалиги ва ўрмон фонди ерлари тоифасига кирмайдиган ер участкалари ажратилишини таъминласин;

"Қишлоқ қурилиш банк" ОАТБ кредитлари ҳисобидан тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивларида барпо этиладиган муҳандислик инфратузилмаси ва ижтимоий аҳамиятдаги объектларнинг илдам қурилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси "Даврахитектқурилиш" қўмитаси:

танланадиган ер массивларининг муҳандислик тармоқлари ва транспорт коммуникациялари билан таъминланганлиги, ишга тушириладиган уй-жой ҳамда ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектларга бўлган амалдаги талабнинг мавжудлиги комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин;

(Давоми 2-бетда).

## МАҲАЛЛА КУНИ БАЙРАМОНА ЎТДИ

**Бекобод шаҳри "Боғишамол" маҳалласи гузарида эрталабдан карнай-сурнай садолари янгради. "Маҳалла куни" муносабати билан белгиланган маърифий-маданий тадбирлар шундай бошланди.**

– Маҳалламизда 4 мингдан зиёд аҳоли яшайди, – дейди "Боғишамол" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акромжон Абдуқодиров. – Бизда байрамлар доимо уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтади.

Хусусий тадбиркор Гулнора Бобоева саховатпеша, меҳр-мурувватли инсон. У "Тинчлик" маҳалласидаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериб келади. Меҳр-мурувватли аёлнинг маҳаллада ёрдамга муҳтож, етим-есирларга кўрсатаётган саховати ва маҳалла ҳаёти фаолияти учун Гулнора Бобоевага "Тинчлик" маҳалласининг "Маҳалланинг фахрли фуқароси" дипломи тантанали суратда топширилди.

Бекобод тумани "Беш юз" маҳалласида яшовчи ногирон Ёқубжон Қўшматовнинг оиласи ёрдамга муҳтож. Кеча унинг хонадонида қувончли воқеа бўлди. «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими раиси Азимжон Хожимирзаев жамғарма ҳисобидан фаоллар иштирокида оилага соғин сигир топширди.

Туманда йил бошидан кам таъминланган оилаларга жамғарма ҳисобидан 3 та қорамол берилди. Бошқа ҳамкор ташкилотлар, ҳомийлар эса 26 та ёрдамга муҳтож оилага қорамоллар ҳадя этишди.

"Маҳалла куни" тадбири Ангрен шаҳрида ҳам кўтаринки руҳда ўтди. Маданият ва истироҳат боғида уюштирилган маърифий-маданий кеча ангренликлар қалбини қувончга тўлдирди.

Вилоят шаҳар ва туманларидаги маҳаллаларда карнай-сурнай садолари янграб, бадиий ҳаваскор жамоалар, фольклор-этнографик ансамбллар чиқишлари бир-бирига уланиб кетди.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**

*Болалар футболи*

## НАТИЖАЛАР ДУРУСТ, ШАРОИТ-ЧИ?

**Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда болалар спорти соҳасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўз самарасини бераяпти. Буни Янгийўл болалар футбол мактаб-интернати мисолида ҳам кўриш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, миллионлар ўйинига ихтисослашган бу илм даргоҳи етакчи интернатлардан бири саналади. Бу ерда Илёс Зейтуллаев, Александр Гейнрих, Ислом Иномов, Шавкат Раимқулов, Музаффар Умрзоқов сингари маҳоратли чарм тўп усталари вояга етишган.**

Ушбу интернат 1996 йили Ангрен шаҳрида очилган эди. Афсуски, кончилар шаҳрида ёш футболчиларга яратилган шарт-шароитлар кўнгилдагидек эмасди. Шу боис, 2008 йилнинг январига қадар интернат уч марта ўз биносини алмаштирди. Маҳаллий раҳбарлар мактаб жамоаси ва ўқувчиларига керакли имкониятларни ҳозирлаб бериш ўрнига уларни футбол ўйнаш учун шароити бўлмаган жойларга кўчиришни маъқул кўришди. Бир қарасангиз, Ангрендаги 73-ихтисослашган интернатга келиб ўрнашишди. Кейинчалик Дукентга, маълум муддат ўтгач, болалар боғчасига «қувғин» қилинди. Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг, 100x100 ўлчамга эга болалар боғчасидаги майдонда футбол ўйнаб бўладими?! Бундай қийин ва мураккаб аҳволда ҳар томонлама етук футболчини



тайёрлаш мумкинми?

Лекин шунга қарамай, аҳил мураббийлар жамоаси мамлакат миллий, олимпия, ёшлар терма жамоаларига маҳоратли номзодларни етказиб беришди. Ёдингизда бўлса, 2003 йилги ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида ушбу таълим маскани тарбияланувчилари Илёс Зейтуллаев, Александр Гейнрих, Ислом Иномов, Шавкат Раимқуловлар ўзбек футболи шаънини муносиб ҳимоя қилишган эди. Яна шуни қўшимча қилиш кераккки, Ислом Иномов ўзбек футболи тарихида дунё биринчилигида биринчи бўлиб тўп киритган ўзбекистонлик футболчига айланди...

Хуллас, 12 йиллик сарсону оворагарчиликлардан сўнг, ниҳоят, мактаб жамоаси ўзига макон топганга ўхшайди.

(Давоми 4-бетда).

*Акс-садо*

## «ГАП ФАҚАТ САТТОРОВДАМИ?»

### («Тошкент ҳақиқати», 8 июль 2009 йил)

**Ушбу танқидий мақолада Қибрай туманидаги 7-мактабнинг бир йилдан бери тўхтаб, чала қолиб келаётган қурилиши хусусида мулоҳазалар юритилган эди. Яқинда таҳририятимиз шу мактаб жойлашган қишлоқ аҳолиси номидан яна бир мактуб олди:**

– Ассалому алайкум, қадрли таҳририят, – деб ёзилади мактубда. – Биз сиздан дардимизни тинглаб, шикоятимизга жиддий ёндошганингиз учун жуда миннатдормиз. Бир йил давомида бу иш юзасидан мурожаат қилмаган ташкилотимиз қолмаган эди. Сизга мактуб йўлладиг-у, дарҳол натижасини кўрдик.

Мақола газетада чоп этилган куни мактабимизга вилоят ҳокимининг ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошчилигидаги мутасадди раҳбарлар ташриф буюриб, мактаб директори Т. Бўрибеков билан биргаликда мақолани қизғин муҳокама қилишди. Дарҳол чала қолган ишлар аниқланиб, кўриб чиқилди. Қурилиш бошқармаси раҳбари F. Сатторов 13 июлдан бошлаб, ишчиларни олиб келиб, синфларни пардозлашни бошлаб юборди. Лекин мактаб атрофини ободонлаштириш, ёнғин хавфсизлиги воситаларини жойига қўйиш, мактаб қурилиши даврида катта машиналарнинг қатнови туфайли яроқсиз ҳолга келган кўчани таъмирлаш учун сметада пул йўқ, деб эътироз билдиришди. Тўғри, мактаб биз учун, бизнинг фарзандларимиз учун қурилаётган экан, биз ҳам қараб турмаймиз. Муассаса атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига астойдил кўмаклашишга тайёрмиз.

Ҳа, айтганча, мактаб спорт зали тўғрисида ҳеч қандай янгиликлар йўқ. Шу бўйи чала қолиб, ўқувчилар учун фойдасиз бир бино бўлиб тураверадими? Бу бинони битказиш учун яна қайси эшикларни, қанча вақт қоқишимиз керак бўлади?

Яна бир ачинарли ҳол. Сатторовнинг айтишича, ҳалигача вилоят ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси корхона ҳисобига бир сўм ҳам туширмаган. Ҳозир амалга оширилаётган ишлар ҳам қарзга қилинаяпти, дейди. Мактаб директори компанияга бориб, иш бошлашни тасдиқлаб келди. Улар пул ўтказишга ваъда беришибди-ю аммо, ҳалигача натижа йўқ. Агар пул ўтказилганда эди, иккинчи қаватдаги 10 та синф шу кунгача тайёр бўлармиди...

Ҳалигача мутасаддиларнинг бу қурилишга бефарқлиги, мажбуриятларини бажармаслиги биз учун тушунарсиз. Бундай лоқайдлик туфайли мактабнинг битиши яна қанча судраларкин?

**М. ЖЎРАЕВА,**
**Қибрай туманидаги «ГЭС Қодирия» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари,**
**Ф. САБИТОВА,**
**7-мактаб ота-оналар қўмитаси раиси.**

## НАМУНАЛИ ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ

**"Қишлоқ врачлик пунктларида даволаш-профилактика ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш" мавзусида ўтказилган республика анжуманида ҳар бир вилоятда намунали қишлоқ врачлик пункти моделини яратиш масаласи кўриб чиқилди.**

Бунинг учун 20 та қишлоқ врачлик пункти тайинланди. Вилоятимиздан тавсия қилинган муассасалар олий ўқув юртлари ҳамда ихтисослаштирилган тиббий марказларга бириктирилди.

"Дори-дармон" акциядорлик жамияти билан биргаликда Бўка, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманлари қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида арзон нархлардаги энг зарур дори-дармонлар билан савдо қилувчи шохобчалар ташкил қилиш ҳам режалаштирилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

2009 йил учун обуна давом этмоқда «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

